

Мукаммал-таъмирлаш ишларини бажариш буйича

№ 22 - сонли пудрат

RM42075070

ШАРТНОМАСИ

2022 йил « 02 » декабр

Уйчи тумани

Кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган **Уйчи туман ХТБ** номидан низом асосида иш курувчи **М.Мўминов** бир томондан ва кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган **JORABEK QURILISH SERVIS X K** номидан **К. Маматханов** иккинчи томондан Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги **2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сонли** қонун талабига асосан пудрат шартномасини туздилар

I. Шартнома мавзуси

1. Пудратчи мазкур шартнома буйича «Буюртмачи» тасарруфидаги **15-мактабда ўқитувчи ва ўқувчилар учун ошхона биносини қуриш** ишлари мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига шартномага мувофиқ объектларни Жорий таъмирлаш учун зарур шароитлар яратади, бажарилган ишларни қабул қилиш ва қонунчиликда белгиланган тартибда туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. Умумий шартлар

1. Бажарилган ишлар далолатномаси (Ф-2) лимитларга ёки бошқа харажатлар Пудратчи ва Буюртмачи билан узаро тасдиқланган (Ф-2, Ф-3) асосида ҳисобга олинади ҳамда тулов учун тақдим этилади.
2. Хизматларни бажариш учун Буюртмачи Пудратчига иш майдонини уз вақтида бушатиб беради.
3. Бажарилган ишлар далолатномаси ҳар ойнинг 28-қунигача Пудратчи томонида Буюртмачига тақдим этилади ва Буюртмачи томонидан тасдиқланади.
4. Буюртмачи Пудратчи дан бажарилган ишларни миқдори ва сифатини текшириб қабул қилиб олади. Бажарилган иш сифати проект-смета ҳужжатларига тугри келмаса Пудратчи қамчиликларни уз ҳисобидан бартараф этади.

III. Пудратчининг мажбуриятлари

1. Барча ишларни мазкур шартномада наъзарда тутилган ҳажмда ва муддатларда узининг қучлари ва жалб қилинган қучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.
2. Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомда субпудратчилар билан шартномалар тузилиши ва шартнома мавзуси, субпудратчининг ном ва манзили тугрисида хабардор қилиши.
3. Қурилиш вақтида техника хавфсизлигини, ишларни бажариш вақтида агроф мухитни, утказилган дарахтни ва ер участкани муҳофаза қилиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш.
4. Мазкур шартномада наъзарда тутилган барча мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.
5. Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларнинг тулик уз қучи билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулккий жавоб беради.
6. Таъмирлаш давомида лойиха смета ҳужжатларида ҳисобга олинмай қолиб кетган ишларни ва тула муносабат билан қушимча ишларни бажариш ва қурилишнинг смета қийматини ошириш зарурлигини аниқласа бу тугрисида Буюртмачига ёзма равишда хабар беради.

IV. Буюртмачининг мажбуриятлари

1. Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини наъзорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларини қабул қилиб олиш.
2. Мазкур шартнома имзоланган қундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиши.

3.Мазкур шартномада наъзарда тутилган мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

V.Туловлар ва ҳисоб-китоблар

- 1.Шартноманинг тузилаётган вақтдаги умумий суммаси **797909880 (Етти юз тўқсон етти миллион тўққиз юз тўққиз минг саккиз юз саксон) сўм** этиб белгиланди. Ушбу сумма танлов / тендер савдолари натижасида аниқланган катъий сумма ҳисобланиб, амалдаги бозор нархларининг узгаришига ёки иш хаки туловларининг ошишига боғлиқ равишда ўзгармайди.
2. Буюртмачи Пудратчига шартнома имзолангандан сунг 30 фоиз миқдорида аванс утказди,бу эса **239372964 (Икки юз ўттиз тўққиз миллион уч юз етмиш икки минг тўққиз юз олтмиш тўрт)** сўмни ташкил қилади. Қолган туловлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасида имзоланган далолатнома (Ф-2, Ф-3) ларга асосан 15 кун мобайнида Буюртмачи томонидан амалга оширилади.
- 3.Ҳисоб – китоб шакли: Пудратчининг банкдаги ҳисоб-рақамига пул утказиш йули билан амалга оширилади.
- 4.Шартнома буйича Пудратчи таъмирлаш ишларини « 2 » декабр 2022 йилдан бошлаб «31» декабр 2022 йилгача тулик бажаради. Пудратчи таъмирлаш ишларини муддатидан олдин бажариш ҳуқуқига. Бундай ҳолатда узил-кесил ҳисоб-китоблар амалдаги қонунчиликда ва ушбу шартномада курсатилган тартибда амалга оширилади.
5. Пудратчи объект топширилгунга қадар мазкур шартнома буйича объектга мулк ҳуқуқини узида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йук қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида булади. Буюртмачи мазкур шартнома буйича уз зиммасига қабул қилинган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб бажармаган тақдирда Пудратчи бу хақида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачининг ёзма равишда хабардор қилиш керак.

VI.Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги

- 1.Пудратчи объектнинг уз вақтида ишга тушириш буйича уз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларни бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдорида пеня тулайди. Бирок бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.
- 2.Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва қамчиликлар уз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларни бажарилмаган қисмининг 0,4 фоиз миқдорида пеня тулайди. Бирок бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.
- 3.Пеня тулаш Пудратчини ишларнинг бажарилишининг ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

VII. Низоларни хал этиш тартиби

- 1.Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар хал этаолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суди томонидан қуриб чиқилади.

VIII. Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

- 1.Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари туфайли ва бошқа енгиб булмайдиган кучлар натижасида қелиб қикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса томонлар бунда тулик ёки қисман бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.
- 2.Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч ҳолатлари амал қилган. Шунингдек ушбу ҳолатлар юзага қелтирган вақтга мутоносиб равишда узайтирилади.
- 3.Агар енгиб булмайдиган куч ҳолатлар ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан қуп вақтга қузилса у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни қонсервация қилиш учун қандай қоралар қурилишини муҳоқама қиладилар.

IX.Шартномани бекор қилиш

1. Буюртмачи ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга купайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига роя этилмаганда
2. Конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш ҳукукига эга
3. Пудратчи томонидан шартнома шартлари тозалаш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда
4. Объектда таъмирлаш ишлари Пудратчига боглик булмаган сабабларга кура Буюртмачи томонидан бир ойдан ортик муддатга тухтатиб куйилганда.
5. Буюртмачи томонидан молиялаштириш тухтатиб куйилганда конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш ҳукукига эга.
6. Мазкур шартномани бекор килишга қарор қилган томон мазкур булим қоидаига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.
7. Шартноманинг бир томонлама бекор килинишига йул қуйилмайди, конун хужжатларида тутилган холлар бундан мустасно.

Х.Алохида шартлар

1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин мазкур шартномага тегишли булган томонлар уртасида барса олдинги ёзма ва битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари уз кучин йукотади.
2. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алохида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари. Бирон бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳукукига эга эмас.
3. Мазкур шартномага барча узгартириш ва қушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган булса, хақиқий ҳисобланади.
4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги конун нормалари қулланилади.
5. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга булган 2 нусхада тузилди.
6. Шартнома томонлар имзоланиб, Газначилик булинмасида руйхатдан утгандан сунг кучга қиради. Амал килиш муддати 31 декабр 2022 йилгача.

«ПУДРАТЧИ»

Жўрабек Қурилиш Сервис ХК
Манзил: Уйчи туман Муборак МФЙ
Х/Р 2020 8000 6002 4320 5001
ИНН: 302 667 505 ОКОНХ: 61110
«АТ Халқ банки Уйчи туман бўлими»
МФО:00716. ИНН 302667505



Рахбар:

К.Маматханов

«БУЮРТМАЧИ»

Уйчи туман халқ таълими бўлими
Манзил: Уйчи туман Беруний кўчаси 60-уй
Ш.Х.В 401722860142297092100075023
ИНН: 200 099 575 ОКОНХ: 97600
Уз Рес Молия Вазазирлиги Газначилиги
Газна х/р 23402000300100001010
«Марказий Банк Тошкент ХККМ»
МФО:00014. ИНН 201122919

ХТБ муdiri

М.Мўминов

М.У



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

LY4236242771

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **PUDRAT ShARTNOMASI**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Uychi tuman xalq ta'limi tomonidan 02.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Uychi tumani yuridik
markazi
bosh yuristkonsulti:**



I.I.RAXIMOV

02.12.2022



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"JO'RABEK QURILISH SERVIS" Xususiy korxonasi

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"JO'RABEK QURILISH SERVIS" XK

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

23.07.2013

2494

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

302667505

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Xususiy korxonasi


Joylashgan joyi:

Namangan viloyati, Uychi tumani, Yorqo'rg'on, MUBORAK MFY
OTCHOPAR KO'CHA,

Guvohnoma:

Namangan viloyati, Uychi tumani, DAVLAT XIZMATLARI
MARKAZI tomonidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organing to'liq nomi)



**196151 лот юзасидан шаклланган дастлабки
баённоманинг муҳокамаси натижаси бўйича расмийлаштирилган электрон
баённомаси**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сонли қарорига асосан дастлабки электрон баённома у расмийлаштирилган кундан бошлаб давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.

Икки иш кун ичида иштирокчилар томонидан танлаш (тендер) ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар тушмаганлиги тўғрисида харид комиссияси аъзолари тегишли қарор қабул қилди.

Муҳокама тугаган сана:

02.12.2022 09:00

Комиссия раиси:



MO'MINOV MUZAFFAR ABDUSAMATOVICH





XALQ DEPUTATLARI UYCHI TUMANI KENGASHINING QARORI

2022 - yil «29» - sentabr

VI-57-131-6-86-K/22

Uychi tuman hokimligi

Uychi tumani "Fuqarolar tashabbusi jamgarmasi" mablaglari hisobidan "Ochiq budget" axborot portali orqali eng kўp ovoz tўplagan taklif uchun mablag ajratish tўg'risida

Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 126-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 22 августдаги ПҚ-3917-сон ҳамда "Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2021 йил 13 апрелдаги ПҚ-5072-сон ҳамда Олий Мажлис Сенати Кенгашининг "Маҳаллий бюджет мabлаглари сарфланишида жамоатчилик иштирокини таъминлаш тўғрисида" 2021 йил 22 апрелдаги КҚ-213-IV-сон қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида, "Фуқаролар ташаббуси жамғармаси" мabлаглари ҳисобидан "Oчиқ бюджет" axборот portali орқали энг кўп ovoz тўплаган таклифни кўриб чиқиб, Халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 22 августдаги ПҚ-3917-сон ҳамда "Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2021 йил 13 апрелдаги ПҚ-5072-сон ҳамда Олий Мажлис Сенати Кенгашининг "Маҳаллий бюджет мabлаглари сарфланишида жамоатчилик иштирокини таъминлаш тўғрисида" 2021 йил 22 апрелдаги КҚ-213-IV-сон қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида "Фуқаролар ташаббуси жамғармаси" мabлаглари ҳисобидан жорий йил 24 августдан 17 сентябргача бўлган муддат давомида "Oчиқ бюджет" axборот portali орқали энг кўп ovoz тўплаган таклифлардан Uychi tumani Чуртук МФЙ Ўрикзор кўчасини асфальтлаш (таклиф ID рақами 0890600045) харажатлари учун 840,0 (саккиз юз қирқ) миллион сўм, тумандаги Хожнибод МФЙда жойлашган туман Тиббиёт бирлашмасига қарашли 37-ОП биносини

таъмирлаш (*таклиф ID рақами 0890600036*) ҳаражатлари учун 990,0 (тўққиз юз тўқсон) миллион сўм, тумандаги 5-сонли умумтаълим мактабида юқори ва бошланғич синф хоналарини пол қисмини таъмирлаш (*таклиф ID рақами 0890600057*) ҳаражатлари учун 700,0 (етти юз) миллион сўм, тумандаги 20-сонли умумтаълим мактабига замонавий компьютер, интерактив доска ва бошқа техникалар сотиб олиш (*таклиф ID рақами 0890600269*) ҳаражатлари учун 200,0 (икки юз) миллион сўм, тумандаги 15-сонли умумтаълим мактабида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг овқатланиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида замонавий ошхона биносини қуриш (*таклиф ID рақами 0890600033*) ҳаражатлари учун 850,0 (саккиз юз эллик) миллион сўм, тумандаги *Қумтена МФЙ Ўзбекистон (Ал Хоразмий) кўчасини асфальтлаш* (*таклиф ID рақами 0890600017*) ҳаражатлари учун 950,0 (тўққиз юз эллик) миллион сўм, тумандаги Ёркатай МФЙ ҳудудида жойлашган Тиббиёт бирлашмасига қарашли Силга қарши курашиш диспансери биносини таъмирлаш (*таклиф ID рақами 0890600039*) ҳаражатлари учун 900,0 (тўққиз юз) миллион сўм, тумандаги *26-сонли умумтаълим мактаби ўқувчилар учун замонавий, усти ёпиқ, сунъий футбол мажмуаси қуриш* (*таклиф ID рақами 0890600190*) ҳаражатлари учун 600,0 (олти юз) миллион сўм, тумандаги 37-сонли умумтаълим мактабида янги қурилаётган ошхонани (ошхона анжомлари) жиҳозлаш (*таклиф ID рақами 0890600006*) ҳаражатлари учун 400 (тўрт юз) миллион сўм, жами туман бўйича 6430,0 (олти миллиард тўрт юз ўттиз) миллион сўм маблағ ажратилсин.

2. Ҳаражатларни амалга оширишга масъул ташкилотлар раҳбарлари туман халқ таълими бўлими (Мўминов), туман тиббиёт бирлашмаси (Мамаджанова), туман ободонлаштириш бошқармаси (Рахматулла)ларга:

- ажратилган маблағ доирасида белгиланган тартибда тўловларни амалга ошириш;
- молиялаштириш манбасини очиш учун ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ҳужжатларни туман молия бўлими ва туман ғазначилик бўлинмасига тақдим этиш;
- ажратилган маблағдан тўғри, мақсадли ва самарали фойдаланилишини, ўз вақтида ва самарали ишлатилиши юзасидан молиявий ҳисоботлар асосида тизимли ўрганиш ҳамда ўрганиш натижаларига кўра, ишлатилмаган ва иқтисод қилинган маблағларни туман маҳаллий бюджетига қайтариш чораларини кўрсинлар.

3. Туман молия бўлими (Холмирзаев)га бюджет ҳаражатлар режасига белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритиш, туман ғазначилик бўлинмаси (Орзибоев)га тўловларни ўрнатилган тартибда ва ўз вақтида амалга ошириш вазифалари топширилсин.

4. Мазкур қарор ижросининг назорати Халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (Хожимирзаева) ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Нурмагов) зиммасига юклатилсин.

Kengash raisi



Sh.Musayev



МАҢАСТЫҚ СДИКЛАЙМАҢ
Халқ ағартулары тумын
Қорыны франси
Ш.Мусаев

Наманган вилояти Уйчи тумани буйича 2022 йил 2-чоракда жамоатчилик фикри асосида шакланган таълим муассисаларини модернизациялаштириш буйича
МАЎЗНЛИ РЎЙХАТ

№	Таълиф ID рақами	Ғолиб таълиф маълумотлари		Тўплаган овозлари сони	Амалга оширилган аниқланган қиймати (минг сўмда)	Ҳақиқатда ажратилган (минг сўмда)	Молиялаштириш манбаеси (ФТЖ, қўшимча манбаа, бюджет параметри)	Буюртмачи ташкилот
		Қискача мазмуни	Тўплаган овозлари сони					
"Фуқаролар ташаббуси жамғармаси"да шакланган маблағ								
1	0890600045	Чўртук МФЙ Урикзор кўчаси жами 1 400 (бир миң тўрт юз) метр бўлган ички йўлларни асфальтлаш	2 870	840 000	840 000	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Туман ободонлаштириш бўлими	
2	0890600036	Наманган вилоят Уйчи тумани Хожнобод МФЙ худудида жойлашган Тиббиёт биношмасига қарашли 37-ОП биносини мукамал таъмирлаш	2 614	990 000	990 000	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Туман соғлиқни сақлаш бўлими	
3	0890600057	Уйчи туманидаги 5 - умумтаълим мактаби 1976 / 1998 йилларда қурилган бўлиб мактабда жами 56 дона ўқув хонаси ва 8 дона маъмурий ва методик хоналар мавжуд. 1976 йилда қурилган бошланғич таълим биносининг 14 дона ўқув хоналари ва 1 дона маъмурият хонаси пол қисми чўкиб синган ва хозирги кунда таъмирталаб ҳолга келиб қолган. Юқори синфлар биносига 42 дона ўқув хонаси, 3 дона лаборатория хонаси ва 7 дона маъмурият хонасининг пол қисми мактаб қурилган 1998 йили леноним қилинган ва хозирги кунда пол қисми ленонимлари синиб кетган ва ўқувчилар бетон устида таълим олмақда. Мактабнинг юқори синфларида жами 2290 квадрат метр пол қисмини леноним ёки паркет пол қилиш ва бошланғич синфлардаги жами 1020 квадрат метр пол қисмини полик тахталарини янгитишга алмаштириш.	2 392	700 000	700 000	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Туман халқ таълими бўлими	
4	0890600269	Ғурбатдаги болалик Техника асри ҳисобланган замонамизда машад кишлоғи 20 - умумий ўрта таълим мактабимиз ўқувчилари дарс ўтиш жараёнида хали ҳамон китобдан нирига ўтишмади. Биз мактаб жамоаси ўз ўқувчиларимиз учун замонавий компютер, замонавий доска, илға яроқли парталар, мусика чоғу асбоблари, Notebook, Projector, ташкил этишни сураймиз. Билимни ёшлар буюк келажак кафолатидир!	2 245	200 000	200 000	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Туман халқ таълими бўлими	

№	Ҳолиб таклиф маълумотлари		Туплаган овозлари сони	Амалга оширилган аниқланган қиймати (минг сўмда)	Ҳақиқатда ажратилган (минг сўмда)	Молиялаштириш мидбаеси (ФТЖ, қўшимча маблағ, бюджет параметри)	Буюртмачи ташкилот
	Таклиф ID рақами	Қисқача мазмуни					
	"Фуқаролар ташаббуси жамағатаси" да шаклланган маблағ						
	Уйчи туман халқ таълими бўлимига қарашли 15-сонли умумий ўрта таълим мактаби. Мақсад ўқитувчи ва ўқувчилари учун (стол, стул, аристон, электр қозонлари ва қўшимча жиҳозлари) барча қулайликларга эга бўлган ошхона қурилиши учун.						
5	0890600033		2 031	850 000	850 000	Фуқаролар ташаббуси жамағатаси	Туман халқ таълими бўлими
6	0890600017		1 941	950 000	950 000	Фуқаролар ташаббуси жамағатаси	Туман ободонлаштириш бўлими
7	0890600039		1 746	900 000	900 000	Фуқаролар ташаббуси жамағатаси	Туман соғлиқни сақлаш бўлими
8	0890600190		1 637	600 000	600 000	Фуқаролар ташаббуси жамағатаси	Туман халқ таълими бўлими
9	0890600006		1 490	400 000	400 000	Фуқаролар ташаббуси жамағатаси	Туман халқ таълими бўлими

Туман ҳокимининг 1-ўрибосари

Туман ҳокимлиги молия бўлими мудири

Туман Соғлиқни сақлаш бўлими бошқисми

Туман Ободонлаштириш бошқисми бошқисми

Туман Халқ таълими бўлими мудири

